

Алишер Навоий таваллудининг 576 йиллигига

АЛИШЕР НАВОИЙ ДОСТОНЛАРИДА ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИ МАСАЛАСИ

Н.Умарова

Аннотация

Мақолада Алишер Навоий достонларида ҳукмдор ва амалдорларнинг халқ билан мулоқоти, элнинг ўз раҳнамосига арзи ҳоли, инсоният манфаатлари ва тинчлиги йўлида шоҳ Искандар томонидан барпо этилган девор хусусида сўз юритилади.

Аннотация

В статье затрагиваются вопросы общения правителей и чиновников с народом, обращения населения к своему правителю. В поэмах Алишера Навои рассказывается о стене, построенной Александром Македонским ради установления мира и интересов человечества.

Annotation

The given article enlightens the issues of communicating the rules and authorities with the folk, addressing of the folk to the rules, the wall, built by Alexander for establishing the peace and interests of the humanity in the poems of Alisher Navoi.

Таянч сўз ва иборалар: мулоқот, манфаат, ҳукмдор, арз қилувчи, мансабдор, нарх, қиммат сотувчилар, адолатда фасли наврўздек, сиёсатда жаҳонни куйдирувчи чақмоқдек.

Ключевые слова и выражения: общение, интересы, правитель, заявитель, должностное лицо, справедливость, жесткая политика, положение народа, потребности, работник, дисциплина, цена, продающие дорого, подобен празднику в справедливости, как молния, сжигающая мир в политике

Key words and word expressions: communication, interests, appliers, justice, policy strictness, ruler, people's state, necessity, worker, discipline, cost, selling expensively, similar to a holiday in justice, as lightning burning the world in policy.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг: “Ҳаммамизни тарбиялаган, вояга етказган – шу халқ. Барчамизга туз-насиба берган ҳам – шу халқ. Бизга ишонч билдирган, раҳбар қилиб сайлаган ҳам айнан шу халқ. Шундай экан, биз биринчи навбатда ким билан мулоқот қилишимиз керак – одамларимиз билан. Ким билан бамаслаҳат иш тутишимиз керак – аввало халқимиз билан. Шунда халқимиз биздан рози бўлади. Халқ рози бўлса, ишимизда унум ва барака бўлади. Халқ биздан рози бўлса, Яратган ҳам биздан рози бўлади”, [1.2] - деган фикрлари ҳазрат Навоийнинг қуйидаги байтлари билан муштарак мазмун касб этади:

Одамий эрсанг, демагил одами,

Ониким, йўқ халқ ғамидин ғами.

Алишер Навоийнинг ҳар бир асарида хоҳ у назмий, хоҳ у насрий асар бўлсин, хоҳ у мўъжазгина асар - фард, хоҳ у дoston бўлсин, юқоридаги ҳикмат асарнинг мазмун-моҳиятига сингиб кетгандек гўё. Шоирнинг бирор бир асари йўқки, инсон манфаатлари, халқ дарди тилга

олинмаган бўлсин. Навоий даҳосининг кудрати ҳам айна шу ўринда яққол кўзга ташланади.

Буюк шоир “Ҳайрат-ул аброр” достонининг 20-мақолотида Султон Бадиуззамонга насиҳат қилар экан, гўёки инсон манфаатлари, ҳукмдорнинг халқ ва ўз қўл остидаги амалдорлар билан қандай мулоқот ва муносабатда бўлиш қоидаларини ва давлат бошқаруви тамойилларини белгилаб беради. Жумладан, “Сенинг олдингга арз билан келган мазлумнинг сўзи ҳар қанча узун бўлса ҳам, узоқ умр кўрай десанг, гапини тўхтатма. Арз қилувчи зулм ўтидан фарёд қилаётган экан, адлинг сояси унга паноҳ бўлсин. Уни ўша сояда ҳам қайғуда қолдирма, унга шамъ тубини қоронғу қилма. Яхшилиқ тез-тез қилиб турсанг ҳам, сиёсат тиғини ҳам баъзан ўткир қилиб тур. Неча касалга қанд фойдали бўлса ҳам, уларга заҳар фойда беради:

Н.Умарова – ФарДУ ўзбек тилшунослиги кафедраси доценти, филология фанлари номзоди.

*Лутфу карам гарчи эрур дилпазир,
Қаҳру сиёсат ҳам эрур ногузир.*

Ҳар қайси инсон ўз феълун атори билан бир-биридан фарқ қилади. Мукофотлаш ё жазолашда уларнинг бу хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш керак бўлади. Бировнинг айби учун бошқа бировни айблама. Қўйчивон бўлсанг, ҳар қўйни ўз оёғи билан ос.

*Тутма тузиб кину адолат фани,
Ўзга киши журми бил ўзгани”. [2.72]*

“Садди Искандарий” достонида Искандар тожу тахтдан воз кечиб, раиятга ўзларига бошқа муносиб олампаҳо топишни маслаҳат бериб, шундай мурожаат қилади: “...У ҳар бир ишда замон аҳлининг муносиби, шоҳлиғ ишига лойиқ инсон бўлсин. У қуёшдек қудратли, меҳрга бою, фикри тиниқ, адолатда фасли наврўздек, сиёсатда жаҳонни куйдирувчи чақмоқдек, ҳар қандай душманга қарши чора топа оладиган, кези келганда қаттиққўл, айна чоғда элпарвар бўлсин. ... Зўравонларнинг биронтаси раиятга ситам қилса, бундай зўравонлар қўлини қирқитсин. ...Зулм таълимини беришни мутлақо йўқотсин. Ҳақ буюрган ҳамма нарсаларни бажариб, рост сўзловчи одамлар қўлини узайтирсин. Золимларга йўл бермай, элга тинчлик-тотувлик етказсин”. [2.274]

Валиаҳднинг бу сўзларини эшитгач, халқ унинг салтанатни бошқа бир ҳукмдорга топшириш таклифини маломат қилиб, “Яна бошқа ҳукмдорни фармон берувчи қилмагил”, - дея ҳар жиҳатдан тахтнинг муносиб вориси унинг ўзи эканлигини айтиб қилган ўтинчларидан сўнг Искандар тахтга ўтиришга рози бўлади. Искандар халқининг хоҳиш ва иродасига кўра тахтга ўтиргач, раиятга қарата шундай мурожаат қилади: “Илоҳим менга халқ аҳволини сўраш ҳуқуқини берди. Ичингизда кимнинг менга илтимоси бўлса, ўз аҳволини арз қилсин. Қошимда сўзини айтар экан, мени бир ўзидай гумон этсин. Тахтим даҳшатидан ҳам, тожимдан ҳам асло қўрқмасин. Мени шоҳ деб изтироб чекмасин, ҳамма гапини тўлиқ сўзласин”. [2.275]

Шундан сўнг халқ арзи ҳол айтишни бошлади, шоҳ саҳардан қоронғу тушгунга қадар уларнинг дардига даво қилди.

Достонда айтилишича, Искандар ярим кунгача эл сўзларини эшитиб чоралар кўрди. Отаси замонида қайси иш ҳалойиққа озор берган бўлса, уларни эл бошидан даф этди. Олдинги шоҳлар расм этган халқ манфаатига қарши ишлар, баъзи қонунларни бекор қилди. Ҳамма соҳада адолат билан иш кўра бошлади. Раиятнинг барча эҳтиёжларини ҳисобга олди. Ҳамма ходимларни қаттиқ интизом билан ишлашга ўргатиб, ёмонларини жазолаб, иш ўрнидан пасайтириб, яхшиларни тарбия қилиб, ночор ва мажруҳларга ёрдам бериб турди.

Жамиятимизнинг турли соҳаларида давом этаётган ислохотлар замирида ҳам ана шу каби халқ манфаатлари кўзда тутилганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бинобарин, мамлакатимиз фуқароларининг октябрь ва ноябрь ойлари давомида Бош вазирнинг электрон порталига тушган 270 000дан ортиқ мурожаати, янги ташкил этилаётган “Халқ қабулхонлари”га бўладиган мурожаатлар ҳамда уларнинг ечими масаласи бундан V аср аввал ҳам ўзбек халқи давлатчилиги тарихида амалда бўлганлиги ва бу ижтимоий-сиёсий анъаналарга бугунги давлат бошқарувида жиддий эътибор қаратилганлиги ўзига хос воқелиқдир.

“Садди Искандарий” достонида Искандар яна нархлар билан ҳам шуғулланиб, қиммат сотувчиларни танбеҳлаб турганлиги, тарозининг икки бошини текислаб, муҳр билан тошини темирдан ясаттирганлиги, қари-ўлчаш асбоби ҳам темирдан ишланиб, халқ газмолларни алданиб кам олишдан қутулганлиги, катта тарозу ихтиро қилиниб, олибсотарлар ўртасидаги жанжалларга барҳам берилганлиги эътироф этилади.

Бугунги кунда ҳам юртимизда аҳоли саломатлиги учун ниҳоятда зарур дори воситалари савдоси борасида муҳим қарорлар қабул қилинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида 2017 йилнинг 1 январидан дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини улгуржи савдо учун сотиб олинган қийматидан 15 фоиздан, чакана савдо учун улгуржи нархидан 20 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорларда

чекланган савдо устамалари белгиланди. [3.2]

Алишер Навоий талқинидаги Искандар ўз ҳукмронлиги даврида ҳалолликни таъминлайдиган чоралар қўллаб, ўғрилиқ ва эгрилик йўлларини тўсиб ташлади, шоҳ мамлакатни идора этишда адолат йўлини шундай баланд тутдики, натижада кийик арслондан қўрқмайдиган бўлди, тустовуқ билан қарчиғай ёнма-ён ётадиган бўлди, дея шоир ажойиб қиёс қўллади.

Бу ўринда Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг қуйидаги фикрларини келтириш ўринлидир: *“Давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига баҳо беришда қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қандай ҳимоя қилинаётганлиги биз учун асосий мезон бўлиши шарт. Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак”*. [2.2]

Халқни еб тўймас яъжужлар ҳужуми ва қирғинидан омон сақлаш учун Искандар икки тоғ орасига баландлиги 150 метр, узунлиги 10000 қари (7 км 500м), эни 500 қари бўлган девор қурдиради. Искандар девори боис эл яъжуж балосидан қутулади. Достонда Искандар ҳукмронлиги даврида халқ манфаатлари йўлида амалга оширилган ишларнинг энг буюги унинг яъжужларга қарши қурдирган деворидир. Асарнинг сарлавҳасиёқ (“Садди Искандарий”) бунга ёрқин мисол. Бу шунчаки девор эмас, таъбир жоиз бўлса, буюк бобомизнинг глобаллашув даврида оммавий “маданият”га қарши барпо этилажак маънавий-маърифий девор ҳақидаги башоратомуз мулоҳазалари сифатида ғоят қимматлидир.

Достондаги яъжужлар тимсоли - чегара ва ҳудуд танламайдиган, ўз ўлжасининг онгини батамом фалажлаб, уларнинг маънавий оламига дахл қиладиган, соғлом фикр ва дунёқарашнинг шафқатсиз кушандаси бўлган ахборот хуружлари, уларнинг манбаи бўлган бузғунчи интернет сайтларининг Навоий тафаккуридаги ўзига хос тасвири бўлса не ажаб. Бугунги кунда оммавий “маданият” ва унинг таъсирига қарши ёшларда кучли маънавий иммунитетни шакллантириш учун китоб ва мутолаа ҳар қачонгидан ҳам зарур. Зеро, мамлакат аҳолиси, хусусан, ёшлар ўртасида китобхонлик ва китоб тарғиботи масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги ҳамда бу борада ҳукумат раҳбари томонидан бир қатор ўта муҳим қарорларнинг қабул қилинаётганлиги фикримиз далилидир.

Искандар оламни тамомила ўзига бўйсундириб, мамлакатда адолатни қарор топтиргач, денгиз сафарига азимат қилади. Сафар олдидан Искандар халқи билан хайрлашиб шундай дейди: *“Эй қавмим, ... сўзларимни яхшилаб эшитинг: неча вақт менга кўз тутинг. Мулк, мол-дунёга ворис бўлиб қолувчи нарсаларни тайинлаб, белгилаб қўйдим. Менинг ёзган рақамларимдан биров чиқа кўрмасин. Ҳадисларимни кўнглингизга жойлаб олиб, саломат бўлинг, яхши қолинг. Дуода бизни гоҳ-гоҳида ёд этиб турунлар. Ўз хизматингизни яхши бажаринлар”*. [2.325] Искандарнинг ўз халқига мурожаати гўёки буюк шоирнинг келажак авлодларга қаратилган даъвати сифатида жамият аъзоларининг зиммаларидаги масъулиятни такрор ва такрор ёдга солиб туради.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. “Фарғона ҳақиқати”, 2016. №101(24073), 17 декабрь.
2. Alisher Navoiy. Xamsa. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2010.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори/ Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида. Фарғона ҳақиқати, 2016. № 88(24060), 2 ноябрь.

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев, филология фанлари доктори).